

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA O'RTA MAXSUS
TA'LIM VAZIRLIGI**

URGANCH DAVLAT UNIVERSITETI

ILM SARCHASHMALARI

Jurnal O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Oliy attestatsiya komisiyasining FILOLOGIYA, FALSAFA, FIZIKA-MATEMATIKA hamda PEDAGOGIKA fanlari bo'yicha doktorlik dissertatsiyalari asosiy ilmiy natijalarini chop etish tavsiya etilgan ilmiy nashrdir.

8.2020

**научно-методический журнал
Издаётся с 2001 года**

Urganch – 2020

“ILM SARCHASHMALARI” ilmiy-metodik jurnal

Bosh muharrirdotsent Ro‘zimboy YO‘LDOSHEV

| TAHRIR HAY’ATI: | |
|---|--|
| JURNAL 2001-YILDAN CHIQA BOSHLAGAN | ABDULLAYEV Bahrom , fizika-matematika fanlari doktori, ABDULLAYEV Ikrom , biologiya fanlari doktori, professor, ABDULLAYEV Ilyos , iqtisod fanlari doktori, ABDULLAYEV Ravshanbek , tibbiyot fanlari doktori, professor, ABDULLAYEV O’tkir , tarix fanlari doktori, ANNAMURATOVA Svetlana , pedagogika fanlari doktori, professor, BOBOJONOV Bozorboy , fizika-matematika fanlari doktori, BERDIMUROTOVA Alima , falsafa fanlari doktori, professor, DAVLETOV Sanjarbek , tarix fanlari doktori, DO’SCHONOV Tangribergan , iqtisod fanlari doktori, professor, HAJIYEVA Maqsuda , falsafa fanlari doktori, IBRAGIMOV Zafar , fizika-matematika fanlari nomzodi, IMOMQULOV Sevdiyor , fizika-matematika fanlari doktori, JO’RAYEV Mamatqul , filologiya fanlari doktori, professor, JUMANIYAZOV Maqsud , texnika fanlari doktori, professor, JUMANIYOZOV Otoboy , filologiya fanlari nomzodi, professor, KALANDAROV Aybek , filologiya fanlari bo‘yicha falsafa doktori (mas’ul kotib), NAVRUZOV Qurolboy , fizika-matematika fanlari doktori, professor, OLLAMOV Yarash , yuriduk fanlari nomzodi, dotsent, OTAMURODOV Sa’dulla , falsafa fanlari doktori, professor, PRIMOV Azamat , filologiya fanlari nomzodi, dotsent, QUTLIYEV Uchqun , fizika-matematika fanlari doktori, professor, RO’ZIMBOYEV Safarboy , filologiya fanlari doktori, professor, RO’ZIYEV Erkinboy , pedagogika fanlari doktori, professor, SADULLAYEV Azimboy , fizika-matematika fanlari doktori, akademik, SADULLAYEVA Nilufar Azimovna , filologiya fanlari doktori, SAGDULLAYEV Anatoliy , tarix fanlari doktori, professor, SALAYEV San’atbek , iqtisod fanlari doktori, professor, SALAYEVA Muxabbat Soburovna , pedagogika fanlari doktori, SATIPOV G‘oipnazar , qishloq xo‘jalik fanlari doktori, professor, XODJANIYOZOV Sardor , pedagogika fanlari nomzodi, dotsent (bosh muharrir o‘rnibosari), YOQUBOV Jamoliddin , filologiya fanlari doktori, professor, O’ROZBOYEV Abdulla , filologiya fanlari doktori, O’ROZBOYEV G‘ayrat , fizika-matematika fanlari doktori, G‘AYIPOV Dilshod , filologiya fanlari nomzodi, dotsent. |
| JURNAL OYDA BIR MARTA NASHR QILINADI | |
| 2020 8(158) | |

MUASSIS: Urganch davlat universiteti. Jurnal O‘zbekiston Matbuot va axborot agentligi Xorazm viloyat boshqarmasida 2011-yil 23-dekabrda ro‘yxatdan o‘tgan. Guvohnoma №13-020.

PEDAGOGIKA

Абдиримова Интизор Камиловна (ТВЧДПИ Ўзбек тили ва адабиёти кафедаси ўқитувчиси, хојатqulov77@mail.ru)
ТАЪЛИМ ТИЗИМИГА КЛАСТЕРНИ ЖОРӢӢ ЭТИШ ТАМОЙИЛЛАРИ

Аннотация. Мазкур мақолада кластер тушунчасининг назарий асослари, атама ва методнинг пайдо бўлиши, таълим тизимига жорӣ этиши тамойиллари ҳақида сўз боради. Она тили ва адабиёт фанини мукаммал ўқитишида, ўзбек тилини мукаммал эгаллаган, маънавий етук кадрларни тайёрлаш жараёнида МТМ, умумтаълим, ўрта маҳсус ҳамда олий мактабнинг интеграциясининг зарурияти очиб берилган.

Аннотация. Данная статья посвящена теоретическим основам понятия кластер, возникновению термина и метода, а также его принципам внедрения в систему образования. Раскрыта потребность интеграции дошкольных организаций, общеобразовательных, средне-специальных и высших школ в высококвалифицированном обучении родного языка и литературы, в процессе подготовки духовно-зрелых кадров, идеально знающих узбекских языков.

Annotation. This article is dedicated to the theoretical foundations of the concept of a cluster, the emergence of the term and method, as well as its principles of introduction into the education system. The need to integrate pre-school organizations, general education, secondary special and high schools in highly qualified teaching of the native language and literature, in the process of preparing the spiritual-mature personnel, who perfectly know the Uzbek language, is revealed.

Калим сўзлар: кластер, таълим, фан, предмет, таълим сифати, интеллектуал мулк.

Ключевые слова: кластер, образование, наука, предмет, качество образования, интеллектуальная собственность.

Key words: cluster, education, science, subject, quality of education, intellectual property.

Мамлакат тараққиёти бевосита ўша миллат ва жамият аъзоларининг юксак интеллектуал салоҳияти, ватанпарварлик туйғуси ҳамда таълим-тарбияга берилган эътибор билан чамбарчас боғлиқдир. Демак, қаерда, юксалишни кўрсақ, бунинг замирида ўша давлатдаги ўқитиши, таълимга ажратилган маънавий, иқтисодий эътибор туришини англаш қийин эмас. XXI асрда инсоният афкор оммасида содир бўлаётган шиддаткор янгилишилар таълим тизимига ҳам янгича инновацион ёндашувни, компьютер технологияларини фаол жорӣ этишини тақозо этмоқда. Ҳозирги кунда инсон капитали тушунчасига кенг аҳамият қаратилмоқда. Бунинг учун давлатимизда этишиб келаётган ёш авлод тарбияси, таълим сифати муҳим ўрин эгаллади. Шунинг учун ҳам Ўзбекистоннинг 2017–2021 йиллар ривожланиш Ҳаракатлар стратегияси ишлаб чиқилди. Энг аввало, мактабгача таълим муассасалари моддий-техник базасини тубдан янгилаш, замонавий типдаги МТМлар ташкил қилиш, тарбияга янгича ёндашув концепциялари ишлаб чиқилди. Қачонки, мактабгача таълим тўғри ташкил қилинса, умумтаълим мактаблари қабул қилган ёш авлод билан ишлаш амалиёти қийин кечмаслиги, табиий. Боланинг ижтимоий муҳитга мослашуви, янги билимларни тез ва яхши қабул қилиши осонлашади. Умумтаълим мактабларида ёш авлодга янги методлар асосида билим бериш, уларнинг дунёқарашини оширишда педагогик технологиялардан фойдаланиш яхши самара беради.

Энди бошланғич таълим ҳамда юқори синф ўқитувчилари МТМ бошланган янги билимларни мустаҳкамлаб, кенгайтириб борадилар. Лекин, афсуски, йиллар давомида таълим муассасалари бир-биридан узилган ҳолда, ягона мақсад – ҳар томонлама билимли, дунёқарashi кенг ёш авлодни тарбиялаш бўлгани ҳолда, ўзига хос тарзда фаолият олиб борди. Улар ўртасидаги интеграция, мантиқий давомийлик кўп ҳам инобатга олинмади. Натижада бугунги кунда миллий таълим тизимида ҳам янгилик яратиш, бир ёқадан бош чиқарган ҳолда фаолият олиб боришни даврнинг ўзи тақозо этмоқда.

Тизимдаги бу каби камчиликларни бартараф этиш мақсадида кейинги икки йил давомида таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳаларига оид бир қатор Президент ва ҳукумат қарорлари қабул қилинди.

Интеграциялашув нафақат ишлаб чиқариш, савдо-саноат, қишлоқ хўжалиги соҳалари, балки таълим тизими ривожланишига ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Интеграциялашувнинг бир кўрини-

ши ўзаро яқин бўлган соҳа ва таълим муассасаларини ўз ичига олган инновацион кластерларни яратишда намоён бўлади

Таълим кластерини шакллантириш эса вилоят, шаҳар, туманлар кесимида ягона алоқа-ахборот алмашув, аниқ мақсадга йўналтирилган йўл харитаси асосида фаолият олиб боришидир. Масалан, она тили ва адабиёт фанини ўқитишида умумтаълим, ўрта маҳсус ва олий таълим тизимидағи соҳа мутахассислари ўзаро ҳамкорликда фан дастурлари, дарсликлар мазмуни, таълим стандартлари ва бошқа жиҳатларни уйғунлашириш асосида етук кадрларга бўлган талабни қондиришда фарол иштирок этишга йўналтиришдан иборат.

Демак, таълим тизимига кластерни кенг татбиқ этиш заруриятини даврнинг ўзи кўрсатмоқда. “Кластер” истилохи “боғлам”, “турух”, “тўпланиш”, “тургун” маъноларини англатади. Бу метод иқтисод ва ишлаб чиқариш соҳаларида ижобий самара берган. Таълим тизимига нисбатан бу каби инновацион ёндашув, агар у ҳакиқий ривожланиш жараёнининг мантиғига мос келадиган бўлса, албатта, самарадорликни оширади.

“Кластер” назарияси, даставвал, иқтисодиёт тармоғида юзага келди. Иқтисодиётдаги кластер назариясининг асосчиси америкалик иқтисодчи, Гарвард бизнес мактаби профессори М.Портер кластернинг шаклланиш механизмини ўзаро рақобатбардошлигининг ўсишига сабаб бўладиган бир-бирига бевосита боғлик соҳаларнинг жамланиши, деб тушунтиради ва ушбу ҳамкорликнинг давлат иқтисодиётидаги ролини аниқлаб беради.¹

“Кластер” назарияси иқтисод соҳасидаги асосчиси сифатида Альфред Маршал, яна ҳам аниқроқ айтганда, унинг XIX аср охирида ёзган “Иқтисодиёт принциплари” номли асари эътироф этилади. Маршалнинг ихтисослашган тармоқ-соҳаларнинг алоҳида ҳудудларда уйғунлашиши тўғрисидаги фикр-мулоҳазалари жамоатчилик томонидан илиқ кутиб олинган. У қуйидаги таклиф ва хуласаларни баён этган. Биринчидан, меҳнат ресурсларининг уйғунлашуви, иккинчидан, таъминотчи ва кўшимча соҳалар ривожи, учинчидан, ҳар хил фирмаларни ишлаб чиқариш жараёнининг турли бўйинларига ихтисослашувининг мавжудлигига асосланганлиги.

Рус олимаси Т.И.Шамова эса кластерни алоҳида соҳа (таълим, иқтисодиёт ва ҳ.к.) сифатида тасаввур килиб, рақобатбардош самарадорликка эришишдан манфаатдор бўлган соҳалар бирлашишининг ташкилий шаклларини кучайтириш механизми, деб тушунади.²

Маълум давлат ва географик минтақалар ўртасидаги соғлом рақобатнинг майдонга келишида кластер назарияси тоғасининг асосчиси Майл Портер фикрига кўра, Кластер – муайян масофа нуқтай назаридан яқин бўлган, фаолияти ўзаро боғликларни тақозо этадиган ишлаб чиқариш, хомаше етказиш, товарни сотиши ва сервис ҳамда уларга алоқадор хизматларни кўрсатишдир.³

Демак, “Кластер” назариясининг кўп кирралилиги, унинг замирида бир нечта назарий ёндашувлар шаклланишига йўл очади. Педагогик таълимни кластерлашириш билан шуғулланган рус олимлари: Н.Н.Давыдова, Б.М.Игошев, А.А.Симонова, С.Л.Фоменко кабиларнинг таъкидлашларича, кластерни ривожлантиришнинг аниқ самаралари 5–7 йилда кўзга ташлана бошлади.⁴

Хозирги кунда Тошкент вилояти Чирчиқ Давлат педагогика институти томонидан тақдим этилаётган “Педагогик таълим инновацион кластери” модели таълим тизимидағи қатор муаммоларни бартараф килиш имконятини яратувчи янги инновацион лойиха сифатида баҳоланмоқда ва институти томонидан таълим каластерларини яратиш ва уни амалда қўллашга доир чора-тадбирлар, илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

“Педагогик таълим инновацион кластери” моделининг амалиётга татбиқ қилиниши натижасида узлуксиз таълим тизимини ташкил қилувчи таълим турлари ўртасидаги тарқоқликнинг бартараф килиниши, уларни бир мақсад атрофида бирлашириш, узвийлик ва узлуксизликни қарор топтириш, ўзаро рақобат ва назорат муҳитини шакллантириш, педагогик соҳада самарадорликни таъминловчи тизим сифатида назарий асосланган ва самараси кафолатланган ечимга эга бўлади.

¹ Porter M. Competitive Strategy. Techniques for Analyzing Industries and Competitors, Cambridge, 1980, p. 454.

² Шамова Т.И. Кластерный подход к развитию образовательных систем. Взаимодействия образовательных учреждений и институтов социума в обеспечении эффективности, доступности и качества образования региона. Материалы 10 Международного образовательного форума (Белгород. 24–26 окт. 2006 г.): в 2 ч, БелГУ, МПГУ, МАНПО; отв. ред. Т.М.Давыденко, Т.И.Шамова. Белгород, издательство БелГУ, 2006, с. 24–29.

³ Porter M. Competitive Strategy: Techniques for Analyzing Industries and Competitors, Cambridge, 1980.

⁴ Давыдова Н.Н., Игошев Б.М. и др. Образовательный кластер как системообразующий компонент региональной модели непрерывного педагогического образования, Педагогическое образование в России, 2014, с. 75.

Она тили ва адабиёт фани мисолида таълим тизимиға кластерни жорий этиш тамойиллари сифатида қуидагиларни тавсия этиш мумкин:

– умумтаълим мактабларидаги она тили ва адабиёт фанларига доир ўкув дастурларини ўрганиб, педагогика олий ўкув юрти, ўзбек тили ва адабиёти йўналишидаги намунавий фан дастурлари ва ўкув режаларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар бериш;

– она тили ва адабиёт соҳаларига мос келувчи иқтисодий тармоклар муаммолари билан илмий тадқиқотлар олиб борувчи илмий текшириш институтларининг амалий ва фундаментал лойиҳалари билан танишиш ва олинган маълумотлар асосида педагогика олий ўкув юртлари, ўзбек тили ва адабиёти йўналишидаги намунавий фан дастурлари ва ўкув режаларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар бериш;

– она тили ва адабиёт фани ўқитувчилари кенгаш иштирокчилари ўртасида медиафорумни ташкил қилиш.

– Тошкент вилояти ХТБГа қарашли мактабларнинг ягона интеграциялаштирилган маълумотлар базасини яратиш. Бундай яқин ҳамкорлик бир максаддаги таълим обьекти ва субъектлари фаолиятида ижобий самара беради. Таълим сифати ошади, дарслик ва мажмуалардаги ҳар хилликларга барҳам берилади.

Илмий-амалий семинарлар, медиафорумлар натижасида умумтаълим, ўрта маҳсус ва олий таълим орасидаги илмий ва маънавий масофа яқинлашади. Ягона интеграциялаштирилган маълумотлар базаси яратилади, мониторинг қилиш осонлашади, вилоят ўқитувчилари хақидаги маълумотларнинг яқдиллигига эришилади. Таълим кластери модели доирасида бир-бирига алоқадор таълим турлари ягона мажмууани ҳосил қиласди. Таклиф қилинаётган таълим кластери модели манфаатлар хусусийлашгандагина қарор топади, яъни кластер субъектлари манфаат кўрсангина ушбу ҳаракатлар ўзини оклади ва давомийлик касб этади. Замонавий таълим тизими олдида турган мухим вазифалардан яна бири ўқитувчиларни фақатгина фанларнинг билимдони эмас, балки улар қалбida бир умр илм олишга бўлган эҳтиёж, хоҳиш-истак ҳосил қилишдан ҳам иборат бўлиши керак.

Таълим кластери фаолияти миллий педагогикамида янги йўналиш бўлиб, уни амалиётга киритиш педагогик шартларни белгилашни ва малакали мутахассисларни шакллантириш самарадорлигини экспериментал текширишни талаб қиласди. Кейинги йилларда юртимизда таълим соҳасида олиб борилаётган ислоҳотлар, ўқитиш мазмунига қўйилаётган талабларнинг ўзгариши натижасида таълимни ишлаб чиқариш билан боғлашга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Юқоридаги фикрларимизга асосланиб, кластер методини мамлакатимиз таълим тизимиға жорий этиш ва амалиётда қўллаш каби бир қатор ижобий ишларга қўл уриш кераклиги таълим тизимидағи ижобий ишлардан биттаси, десак бўлади.

Ходжамқулов Умид Негматович (Чирчик Давлат педагогика институти доценти,

филология фанлари номзоди)

ПЕДАГОГИК ТАЪЛИМГА КЛАСТЕР ЁНДАШУВИННИНГ ЗАРУРАТИ

Аннотация. Мақолада педагогик таълим кластери тушунчасига таъриф берилган ва унинг зарурати, Ўзбекистон шароитида уни амалга ошириши механизмлари, тамойиллари ҳамда йўналишлари кўрсатиб берилган. Тошкент вилояти мисолида педагогик таълим кластерининг амалий аҳамияти илмий хулосаланган.

Аннотация. В статье описывается понятие педагогического кластера и его необходимость, механизмы, принципы и направления его реализации в контексте Узбекистана. Раскрыта и научно обоснована практическая роль педагогического кластера на примере Ташкентской области.

Annotation. The article describes the concept of a pedagogical cluster and its necessity, mechanisms, principles and directions for its implementation in the context of Uzbekistan. The practical role of the pedagogical cluster on the example of the Tashkent region is scientifically substantiated.

Калим сўзлар: кластер, кластер стратегияси, кластер шакллари, кластер тамойиллари, кластер субъектлари, педагогик таълим кластери, раҳобатбардошлиқ, миметик метод, интеграция, инновацион занжир, инновацион ёндашув, латерал стратегия, фокусли стратегия.

Ключевые слова: кластер, кластерная стратегия, кластерные формы, кластерные принципы, кластерные субъекты, педагогический кластер, конкурентоспособность, миметический ме-

MUNDARIJA

МАТЕМАТИКА

| | |
|--|----|
| Жураев Турсунбай Файзиевич, Жувонов Камариддин Ризокулович. О топологических свойствах подпространств пространства $P(X)$ вероятностных мер носителей, лежащих в одном из компонентов связности бесконечного компакт X | 3 |
| Арипов Мерсаид Мирсидикович, Сайфуллаева Мафтуха Зафурллаевна. Задачи биологической популяции в недивергентной форме..... | 14 |

FALSAFA

| | |
|---|----|
| Амиров Азамат Одил ўғли. Тарих фалсафаси – хозирги давр ижтимоий-гуманитарфанларининг тармоқлараро муаммоси сифатида..... | 20 |
| Собирова Сурайе Турсуновна, Муратова Дилдора Абдуманноповна. Техноген цивилизация тараққиётида инсон маънавий бегоналашуви олдини олишнинг устувор йўналишлари..... | 23 |
| Хайтметов Раимберди Кудратуллоевич. Диний дунёқараш ва капитализмнинг ўзаро алоқадорлиги..... | 26 |
| Мансуров Улугбек Жумаевич, Иброҳимов Фарҳоджон Анваржон ўғли. Ибн Арабий ва Румий ижодида руҳий борлиқ масаласи..... | 29 |
| Жўраев Аҳмад Мухаммадиевич. Тинчликпарварлик – маънавий юксалиш жараёнининг юксак қадрияти..... | 32 |
| Хожиев Расулбек Бойназар ўғли. Баркамол авлодни тарбиялаш – мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислоҳотларнинг устувор йўналиши..... | 35 |
| Нишонов Сарвар Жасур ўғли. Ҳусайн Воиз Кошифий ва Жалолиддин Давонийларнинг илмий месроси..... | 38 |
| Худойбердиева Хуррият Каримбердиевна. Ёшларда миллатлараро муносабатларни таъминлашнинг эстетик хусусиятлари..... | 42 |

TILSHUNOSLIK

| | |
|--|----|
| Nosirova Saodat Abdullayevna. Xitoy tilidagi iltimoiy-siyosiy terminlarning genezisiga oid..... | 47 |
| Сапарова Қундуз Отабоевна. Рус тили фонетик воситаларининг стилистик функциясини ўрганишга доир..... | 62 |
| Эрматов Иҳтиёр Ризакулович. Термин ва сўз муносабатидаги айрим муштарак ва номуштарак жиҳатлар хақида..... | 64 |
| Султонова Шоҳиста Мухаммаджоновна. Фразеология ва лексикология фанларининг интеграцияси хусусида..... | 68 |
| Самигова Хушнуда Батировна. Бир майдонга оид сўзларнинг семантик компонентини аниқлаш усули..... | 70 |
| Давлатова Мұхәйє. Результативлик – ҳаракат тарзи тури сифатида..... | 73 |
| Бегизова Мадина. Use of Modern Educational Technologies in the Formation of Students' Linguocultural Competence..... | 78 |

ADABIYOTSHUNOSLIK

| | |
|--|----|
| Йўлдошев Нормат Темирович. Чўлпоннинг Эркин ва Сарбаст шеърлари..... | 80 |
| Холмуродов Абдуҳамид. Ҳазрати хизр ҳикматлари – ҳаёт мазмунининг идрок йўли..... | 84 |
| Арзикулова Хуршида. XVII Аср классицизм даври адабиёти..... | 87 |
| Отамуродова Феруза. XX Аср инглиз романида жанр муаммоси..... | 90 |
| Холикова Нодира. Давр воқеаларида жадидларнинг тутган ўрни..... | 94 |

PEDAGOGIKA

| | |
|---|-----|
| Абдирамова Интизор Камиловна. Таълим тизимида кластерни жорий этиш тамойиллари..... | 99 |
| Ходжамқулов Умид Негматович Педагогик таълимга кластер ёндашувининг зарурати..... | 101 |
| Дехканова Маъмура Ўлмасовна. Ўзбекистон олий таълим тизимидағи ислоҳотлар ва замонавий мутахассисларни тайёрлаш вазифалари..... | 107 |

| | |
|---|-----|
| Салимова Зебо Кенжавна. Инглиз тилини ўқитишида интенсив методларни қўллашнинг мазмани..... | 109 |
| Халилова Ление Февзиевна. Преимущества мультимедийной презентации в учебном процессе.... | 113 |
| Мирзаева Эльмира Тоировна. Методы и принципы изучения фразеологии в вузе..... | 116 |
| Худайберганов Аниёз. Технология дарслари жараёнида ўқувчиларнинг ижодкорлик қобилиятларини ривожлантириш..... | 119 |
| Ermanov Davron Raxmataliyevich. Biz nega ingliz tilida ulardek talaffuz qila olmaymiz?..... | 121 |
| Muxitdinova Nodira Mamalatifovna. Pedagogika oliv ta’lim muassasalarining gumanitar ta’lim yo‘nalishlarida matematika fanini o‘qitish xususiyatlari..... | 125 |
| Arslonbekova Rano Arslonbekovna. Using Authentic Materials IN Esp Classes..... | 127 |
| Nishonbekova Saida Urinboy qizi. Teaching Reading Skills, Helping Efl Learners Prepare Psychologically to Read in English..... | 131 |

ILMIY AXBOROT

| | |
|---|-----|
| Исомиддинов Юнусжон Юсуббоевич. Ўзбекистонда коррупциянинг олдини олишнинг ахлоқий-хуқуқий асосларини кучайтириш масалалари..... | 134 |
| Халибекова Омонгул Кенжабоевна. Ўзбек ва инглиз тилларида ит образининг стереотип талкини..... | 137 |
| Хожаева Малика Носиржон қизи. Туристик дискурснинг жанр хусусиятлари хусусида..... | 140 |
| Ismailova Laylo Xondamirovna. Theoretical Foundation of Studying Advertising Text..... | 142 |
| To‘rayeva Umida Shuxratovna. Tilshunoslikda sud-huquq terminologik tizimining yoritilishi..... | 144 |
| Choriyeva Nilufar. Linguacultural Features of Somatic Idioms with the Component “Heart” in the English and Uzbek Languages..... | 148 |
| Нигматова Лолаҳон Ҳамидовна. Миллат лингвомаданиятидаги маънавий асослар..... | 151 |
| Носирова Умидаҳон Икромовна. Поэтик матн – прагматиканинг тадқиқот обьекти сифатида..... | 155 |
| Кадирова Барно Раимовна. Лингвокультурологические отличия лексем, описывающих внешний вид человека..... | 161 |
| Якубова Матлуба Тажибоевна. Эркин Самандар шеъриятидаги маънодош сўзлар лингвопоэтикаси..... | 163 |
| Акрамов Шукуржон. Гап бўлакларида синтактик алоқа ва синтактик муносабат..... | 167 |
| Tursunqulov Elmurod Azzamqulovich. Axborot tizimlari – jismoniy tarbiya va sport sohasini boshqarish jarayonlarini asosi sifatida..... | 170 |
| Mamatov Mashrabjon Shaxabutdinovich. Nuritdinov Jalolxon Tursunboy o‘g‘li. Minkovskiy yig‘indisini va ayirmasini hisoblashga doir ba’zi qonuniyatlar haqida..... | 173 |
| Назарова Нилуфар Жўраевна. Ёшлар хаёт стратегиясини таъминлашда этномаданий омиллар.... | 184 |
| Эргашев Улугбек Адхамович. Амир Темурнинг ёшлар тарбиясига оид маънавий мероси..... | 188 |
| Sultonova O‘g‘ilshod Saitmuradovna. “Baxt” konseptining ingliz va o‘zbek tillarida verballashuvi..... | 190 |
| Кошева Дилярабо Худоёровна. Инглиз ва ўзбек тилларида нутқ феълларининг семантик коннотациялари..... | 193 |
| Умаржонова Гузал Мухторовна. Олмон тили фразеологизмларининг ўрганилиш тарихи хусусида..... | 197 |
| Мусаева Феруза Бакиевна. Текст как отражение психолингвистики: междисциплинарный подход в изучении проблемы..... | 201 |
| Musurmanov Erkin Rabbimovich. The Origin OF Chinese-Uzbek Historical AND Literary Relations... | 204 |